

**Сум пластик карталарини фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида \_\_\_\_\_-сонли шартнома**

\_\_\_\_\_ шахри

“ \_\_\_\_ ” 2019 йил

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг номидан 2019йил “ \_\_\_\_ ” даги “ \_\_\_\_ ”-сонли Ишончнома асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда “БАНК” деб номланади) бир томондан,  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ (бундан бўён “Пластик карта эгаси” деб юритилади), иккинчи томондан ҳамда  
(Ф.И.О)  
биргаликда “ТОМОНЛАР” деб юритилади, ушбу шартномани қўйидаги мазмунда туздилар:

### **1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

- 1.1. **МКХ** - карта эгасининг номига миллий валюта очилган маҳсус картага хисобраками.
- 1.2. **Банк карта эгаси** – банк картасидан пластик картани эмиссия кирган банк билан тузилган шартномага асосан фойдаланадиган мижоз ёки у ваколат берган шахс.
- 1.3. **ПИН код** - пластик карта эгаси карта хисобракамидаги пул маблағларини тасарруф этиш хукукини тасдиқловчи шахсий идентификация раками (ПИН код раками 4 та рақамдан кам бўлмаслиги лозим).
- 1.4. **Транзакция** - БПК сакловчиси томонидан амалга ошириладиган ва унинг банкдаги хисобварагида маблағлар харакатига олиб келадиган тўлов ордери.
- 1.5. **Слип** - банк пластик картасидан фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция суммаси, тури, санаси, шунингдек, банк пластик картасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал квитанцияси.
- 1.6. **Банк тарифлари** – банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича белгиланган хизмат ҳақлари мъёри.

### **2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 2.1. Ушбу шартнома жисмоний шахсга миллий валютадаги банк пластик картасини муомалага чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш ҳамда Банк ва Пластик карта эгаси ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.
- 2.2. Шунингдек, ушбу шартнома МКХга, пластик карта ва унинг эгасига тадбиқ этилиб, банк ва пластик карта эгасининг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

### **3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 3.1. Пластик карта эгаси пластик карта олиш учун Банкда ўз хисобварагига эга бўлиши ёки уни очиш учун ариза тақдим этиши лозим. Бунда хисобварак банк бўлими/филиали раҳбарни номига жисмоний шахс томонидан ёки у ваколат берган шахс томонидан ёзилган ариза, шахсни тасдиқловчи хужжат асосида очилади.
- 3.2. Банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карта шахсан карта эгасига ёки унинг қонуний вакилига берилади, агар пластик карта ташкилотларнинг Банк билан шартномасига асосан иш ҳақи лойиҳаси учун муомалага чиқарилган бўлса, пластик карта ташкилотнинг ишончномасига асосан бириктирилган вакилига топшириш қабул қилиш далолатномаси тузилган ҳолда берилishi мумкин.
- 3.3. Пластик карта амал қилишининг бутун муддати мобайнида банкнинг мулки саналади, пластик карта \_\_\_\_ йил муддатта муомалага чиқарилади ва муддати тугагандо, шунингдек пластик карта йўқолган ёки фойдаланишга яроксиз холга келган тақдирда унинг ўрнига янгисини очиб бериш пластик карта эгасининг аризасига ва шахсни тасдиқловчи хужжат асосида янги пластик карта банкнинг амалдаги Банк тарифини кўллаган ҳолда очиб берилади.
- 3.4. Пластик картадан фойдаланишда уч марта нотўғри ПИН терилганда, карта таъкиқка (блокка) тушади. Пластик картани яна қайта муомалага киритиш пластик карта эгасининг аризасига асосида пластик картани муомалага чиқарган Ўзмиллийбанк бўлим/филиали томонидан амалга оширилади.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **4.1. Банк:**

- 4.1.1. Пластик карта эгасининг ёзма аризасига асосан унга маҳсус пластик карта хисобварагини очиб, ўша куннинг ўзида пластик картани бериш (ариза иш куни соат 16<sup>00</sup> дан кейин тақдим этилса, кейинги иш кунида).
  - 4.1.2. Пластик карта оркали амалга оширилган барча мувффакияти транзакциялар бўйича МКХдан хисоб-китобларни амалга оширади.
  - 4.1.3. Пластик карта эгасининг аризасига асосан маблағларни бошқа хисобваракларга ўтказиб беради.
  - 4.1.4. Пластик карта эгаси томонидан амалга оширилган тўловлар суммаси миқдорига карта хисобвараги бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш.
  - 4.1.5. Пластик карта эгасининг аризасига асосан МКХдаги айланмалар бўйича кўчирмалар беради.
  - 4.1.6. Банк пластик картаси йўқотилганлиги тўғрисида пластик карта эгасининг аризасига асосан пластик картани блокка кўйини ва блокдан чиқариш.
  - 4.1.7. Пластик карта эгасини амалдаги Банк тарифлари билан танишитиради.
  - 4.1.8. Банк реквизитлари ўзгарган тақдирда пластик карта эгасига дарҳол хабар бериш.
- #### **4.2. Пластик карта эгаси:**
- 4.2.1. Банк пластик картасидан ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ фойдаланиш.
  - 4.2.2. Банкдан пластик картани олган вактнинг ўзида банк томонидан ўрнатилган ПИН кодни янгисига алмаштириш ҳамда “ПИН” кодини бошқа шахсларга ошкор кильмаслик.
  - 4.2.3. Банк пластик карта хисобварагига нотўғри келиб тушган маблағ тўғрисида банкка дарҳол хабар бериш ва нотўғри тушган маблағни оркага кайтариш.
  - 4.2.4. Банк пластик карта йўқолганда уни таъкиқка (блокка) кўйиш ва таъкиқдан (блокдан) чиқариш учун банкка ёзма равишда ариза бериш.
  - 4.2.5. Банк Тарифига асосан кўрсатилган хизматлар учун банкнинг хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш.
  - 4.2.6. Яшаш манзили ёки паспорт маълумотлари ўзгарганда Банкка дарҳол ёзма хабар бериш.

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ**

#### **5.1. Банк:**

- 5.1.1. Пластик карта эгаси ушбу шартнома шартларини бузгандо, бажармагандо ёки лозим даражада бажармагандо банк миллий валютадаги банк пластик картаси фаолиятини тўхтатиши, чеклаш ёки шубҳали ва гумонли операциялар амалга оширилганда шартномани бекор қилиш хукуқига эга.
- 5.1.2. Пластик карта эгасининг аризасига, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда хукуки мухофаза қилиш органлари ва суднинг карорларига асосан пластик картани таъкиқка кўйиш хукуқига эга.
- 5.1.3. Банк Тарифига киритилган ўзгарттиришларни бўлум/филиалдаги ахбортлар таҳтасига, банкнинг телеграм мессенджеридаги расмий каналига ва банкнинг интернет сайтига (nbu.uz) жойлаштириб боради.

## **5.2. Пластик карта эгаси:**

5.2.1. Пластик картаси орқали МКҲдаги маблаг доирасида банк кассасидан (шахсини тақдимотчи хужжатни тақдим килган ҳолда) нақд пул олиши ва нақд пулсиз равишда тўлловларни амалга ошириши, МКҲни нақд пулда ва нақд пулсиз тўлдириш.

5.2.2. Банк пластик карта эгаси пластик карта хисобварагидан амалга оширилган амалиётлар (маблагларнинг харакати) тўғрисида маълумот олиб турни учун SMS хабар хизматидан фойдаланиш.

5.2.3. Банкнинг амалдаги Тарифлари билан бевосита банкка ташриф буюрган ҳолда, банкнинг расмий интернет сайти ([pbu.uz](#)) ёки банкнинг телеграм мессенджеридаги расмий каналига орқали танишиб бориши.

5.2.4. Махсус карта хисобварагидан бошқа хисобваракларга маблаг ўтказиш учун банкка ариза тақдим қилиши.

5.2.5. Банк пластик карта хисобварагидан кўчирма талаб қилиши.

5.2.6. Банк пластик картаси йўқотилганда ёки шикастланганда бошқа пластик карта очиб берилишини талаб қилиши.

5.2.7. Пластик карта эгаси Миллий ва бошқа мобил иловалардан фойдалангандан масоффадан пластик карта хисобвараглари маблағларини бошқариш ҳамда операциялар бажариш хукуқига эга.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги бошқа конун ва норматив-хукукий хужжатлар асосида жавобгарликка тортиладилар.

6.2. Пластик карта эгаси банк пластик картасини Банкнинг бўлим/филиалидан кабул қилиб олган вақтдан бошлаб у орқали амалга оширилган барча операциялар бўйича жавобгардир.

6.3. Пластик карта эгаси банк пластик картасини муомалага чиқаришида ҳамда маблағни карта хисобварагига кирим қилишида ўйл қўйилган кечикишларга жавобгар эмас, агар бундай ҳолатнинг келиб чиқишига жисмоний шахс томонидан тақдим этилган маълумотлардаги ноаниқлик ёки нотўғрилик сабаб бўлмаса.

6.4. Банк жисмоний шахс томонидан маълумотлар тўлиқ тақдим қилинмаган ҳолда, нотўғри ёки хато берилган ҳолда пластик картани очиш ва унга маблағларни кирим қилиш бўйича юзага келган кечикишларга жавобгар эмас.

6.5. Тўлов тизимида юз берган техник хатолик ва носозлик натижасида пластик картадан ортиқча маблаг ишлатилган ҳолатда пластик карта эгаси Банкка етказилган зарарни коплади.

6.6. Банк мижознинг аризасига асосан ўз вақтида пластик карта очиб бериш, мижознинг аризаси бўйича маблағларни бошқа хисобваракларга ўтказиш бўйича жавобгардир.

6.7. Пластик карта йўқолгандаги тўғрисида банкка ёзма равишида хабар берилмаганлиги натижасида пластик карта орқали амалга оширилган операциялар бўйича Банк жавобгар эмас.

## **7. МАХФИЙЛИК**

7.1. Банк ва пластик карта эгаси шартнома тузилиши ва шартномавий муносабатга киришиши натижасида маълум бўлган банк ва тижорат сирлари, шунингдек, бошқа маҳфиӣ маълумотларни ошкор этмасликка ҳамда сир сакланишига мажбурдирлар.

7.2. Пластик карта эгаси тўғрисидаги маълумотлар, карта ва у орқали бажарилган операциялар бўйича маълумотлар банк сири хисобланади ва Ўзбекистон Республикаси конунларида белгилangan тартибда ва шартларда тақдим этилади.

## **8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Шартнома тузилганидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошкени, ёнгин, зилзила ва табиий оғатнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия, эпизоотия ҳамда шу каби олдини олини имконияти бўлмаган ходисалар ёки амалдаги конунчиллик хужжатларнинг бекор бўлиши ёхуд уларга киритилган ўзгартришлар туфайли ушбу шартнома бўйича хар кандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда шартнома томонларидан хеч бири жавобгар бўлмайдилар.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу шартнома имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабрь 20\_\_ йилгача амал қилинади.

9.2. Мазур шартномага киритиладиган барча ўзгартриши ва кўшимчалар ёзма равишида расмийлаштирилиб, томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

9.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сакланади.

9.4. Томонлар бир-бирларини бир ой олдин ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Томонлар томонидан шартномани бекор қилиш тўғрисида мурожаат этилмаган ҳолларда, шартноманинг амал қилиш муддати келгуси йиллар учун узайтирилган деб хисобланади.

9.5. Ушбу шартнома томонларнинг талаби билан факаттина суднинг карорига биноан иккинчи тараф шартнома шартларини жиддий равишида бузган ёхуд конунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

## **10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий Миллий банки

(Ф.И.О)

Манзил: \_\_\_\_\_

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

«Банк» коди \_\_\_\_\_, СТИР \_\_\_\_\_ ИФУТ

берилган \_\_\_\_\_

Ўзмиллийбанк Марказий \_\_\_\_\_

манзил: \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

тел. \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

имзо \_\_\_\_\_

м.у.

Шартнома шартлари ва банкнинг амалдаги

тарифлари билан танишидим